



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 04 | pp. 132-140 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ДАРОМАДЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАН ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



З.А. Муқумов

ТДИУ “Молиявий ҳисоб ва ҳисобот”

кафедраси доценти

З. Азизова

“Молиявий ҳисоб ва ҳисобот”

кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан алоқа қилишда нуфузли корхоналар билан биргаликда фаолият кўрсатишида, чет эл инвесторларини жалб қилишда халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш долзарб аҳамиятга эга. Чет эл давлатларидаги харидорлар билан савдо алоқаларини тўғри ташкил этишда IFRS 15 “Харидорлар билан шартномалар асосида тушум” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) дан фойдаланилади. Ушбу мақолада халқаро амалиётда ва миллий ҳисобда тушум, даромадларни тан олиш усуллари, баҳолаш мезонлари, ўзига хос хусусиятлари ва аҳамиятлари очиб берилди.

Калит сўзлар: тушум, мажбурият, назорат, қоплаш ҳуқуқи, дебитор қарзлар, даромад, баҳолаш усуллари, натижалар усули, ресурслар усули, шартнома баҳоси.

Кириш

Давлатимизда дунё ҳамжамияти билан ўрнатилаётган иқтисодий, илмий, маданий алоқалар, дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Хорижий ҳамкорлар билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларни ўрнатиш, шерикчиликни кенгайтириш учун Ўзбекистон бутун дунё очик бозорларига чиқиши керак, бу эса ўз навбатида янги технологияларни олиб келинишига, бозор ислохотларини ривожлантиришга ва иқтисодий интеграция жараёнларини тезлаштиришига сабаб бўлади. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобидаги қуйидаги жумлага эътибор қаратсак: “ Бизга иқтисодий интеграция керак! Бу борада мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун эса нафақат раҳбарлар, балки менежерлар ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.”, “Албатта, биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларимизга катта ишонч билан қараймиз. Шунинг учун бу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитлар яратишни ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.”¹ Президентимизнинг юқоридаги гапларига аниқ исбот

¹ Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” Ўзбекистон. Тошкент-2021, 42-бет

сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорда :” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломи бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.”² келтирилган.

Материал ва метод. МҲХС ларини моҳиятини тушуниш учун уларни ҳар бирини чуқур ўрганиб, миллий ҳисобот стандартларимиз билан уйғунлаштириш йулларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

МҲХС IFRS 15 “Харидорлар билан шартномалар асосида тушум” стандарти 2014 йил май ойида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти(БҲМС) IAS 11 “Қурилишдаги шартномалар” ва (БҲМС) IAS 18 “Тушум” номли стандартларнинг ўрнига чиқарилган.

МҲХС IFRS 15 “Харидорлар билан шартномалар асосида тушум” стандартида тушумга қуйидагича таъриф берилган: “Тушум – бу одатий, яъни корхонанинг асосий фаолияти натижасида юзага келадиган даромаддир”³ дейилган. Тушумни тан олишда 5 та асосий қадамлар ажратилган:

1-қадам. Харидор билан шартномани идентификациялаш, яъни шартномани тузишдаги талабларга жавоб берилиши: шартнома санаси, номи, реквизитлари, суммалари аниқланган бўлиши керак. Тушум фақатгина харидор билан шартнома тузилгандагина тан олинади.

2-қадам. Харидор билан тузилган шартнома асосида юзага келадиган мажбуриятлар, уларни бажарилишини таъминлаш идентификация қилинган, аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши керак, яъни тузилган шартномага асосан сотувчи шу

² 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

³ М.Ю.Кузмин “Как подготовиться к экзамену ДипИФР”, www.msfo-training.ru

шартномада кўрсатилган мажбуриятларни ижроси юзасидан қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олиши, шартномада кўрсатилган ҳар бир товар ва хизматлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши керак.

3-қадам. Шартнома нархини белгилаш. Шартномада товар ва хизматлар юзасидан бўладиган тўловларнинг ҳар хил шартлари бўлиши мумкин: олдиндан тўлов миқдори, маълум вақтга кечиктириб тўлаш, товар учун тўлов қилишда қатъий белгиланган ўзгарувчан қисмлари бўлиши мумкин, тўлов пул кўринишида ёки аксинча пул бўлмаган кўринишда ҳам амалга оширилиши мумкин. Шартнома тузилган санада нарх белгиланади. Агар вақт фактори мавжуд бўлса, яъни тўлов шартнома шартларига асосан бир йилдан ортиқ бўлган муддатга амалга ошириладиган бўлса, шартнома шартларида молиялаштириш компоненти мавжуд бўлади ва у алоҳида кўрсатилиши керак. Агар ўзгарувчан компонентни олиш тахмини юқори бўлса, у ҳолда у шартнома баҳосига қўшилади.

Масалан, шартнома шартига кўра тўлов 2 йилдан сўнг амалга оширилса, 2 йилдан кейинги пул бирлиги ҳозирги кундаги пул бирлигига тенг бўлмаганлиги сабабли, келажақда олинадиган сумма дисконтланади.

4-қадам. Шартнома баҳосини шартнома шартлари бўйича бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларга тақсимланиши. Аввалги қадамда белгиланган шартнома баҳоси, 2-қадамда кўрсатилган товар ва хизматлар бўйича тақсимланиши керак, яъни 2-қадамдаги товар ва хизматлар алоҳида сотилганда қанчага сотилиши мумкинлиги аниқланиб, фоизда улуши топилади ва шартнома баҳосини топилган улуш доирасида алоҳида товар ва хизматлар бўйича шартнома баҳоси пропорционал тақсимланади.

5-қадам. Сотувчи шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажарилиши мобайнида даромадни тан олиб бориши керак. Шартнома мажбуриятларини бажарилиши аниқ бир вақтда ва маълум бир давр мобайнида амалга оширилиши мумкин. Буни аниқлаш учун мажбуриятларни бажарилиш даражаси баҳоланади. Умуман олганда одатда тушум (даромад) харидорга товар ва хизматлар устидан назорат топшириладиган вақтда тан олинади.

МҲХС IFRS 15 “Харидорлар билан шартномалар асосида тушум” стандарти дебиторлик қарзлари тушунчасини ўзгартирди. Одатда дебиторлик қарзлари харидорларнинг етказиб берилган товар ёки хизматлар бўйича тўланмаган қарзи ҳисобланади. Ушбу стандартга асосан эса дебиторлик қарзи – бу ташкилотнинг шартсиз қоплаш ҳуқуқига эга бўлиши, яъни сотувчи етказилган товар ва хизматлар учун тўлов олишга сўзсиз ҳақли дегани. Харидор шартномага асосан олдиндан тўлов қилиши керак бўлса (хали етказиб берилмаган товар ва хизматлар учун), шартнома тузилган вақтда сотувчи ўзини ҳисобида дебиторлик қарзини ҳамда товар ва хизматларни етказиб бериш бўйича мажбуриятни ҳам тан олади.

Шартнома бўйича актив (қоплаш ҳуқуқи) – бу етказиб берилган товар ва хизматлар учун олинадиган қоплаш ҳуқуқи, лекин ҳисобот санасига вужудга келмаган, яъни сотувчи қўшимча шартларни охиригача бажаргандагина дебиторлик қарзи тан олинади, сотувчи шартнома шартига асосан харидорга ҳамма товарларни етказиб бергандагина, харидор пулини тўлайди. Етказиб бермагунча у дебитор қарз эмас, шартнома бўйича актив деб тан олиб турилади. Нима учун қисман етказиб

берилган товар учун олинадиган тўловни дебиторлик қарзи деб ҳисобга олмаймиз, чунки шартнома шундай тузилган, харидор ҳамма товарларни олгандагина товар учун тўлиқ тўлов қилади. Молиявий ҳисоботлар инвесторга аниқ ва тўғри маълумот бериш учун тузилади, инвестор кўрган маълумотларидан тўғри қарор чиқариши учун чалғимаслиги, дебитор қарз алоҳида, шартнома бўйича актив алоҳида кўрсатилиши керак, яъни дебиторлик қарзидаги пул олиниши аниқ бўлган суммадир. Шартнома бўйича актив эса ҳали дебитор қарзга айланмаган сумма, яъни сотувчида яна озгина бажарилмаган мажбурият бор ва шу мажбурият юзасидан харажат ҳам бор, шулар бажарилгандан кейингина оладиган суммаси аниқ бўлади деган маънони билдиради.

Масалан, сотувчи ҳисобот даврида 200 000 сўмлик товарни харидорга етказиб берган, сотилган товарни таннархи 180 000 сўм. Шартнома шартига асосан 250 000 сўмлик товар етказиб берилгандан кейин, харидор қарзини тўлайди. Сотувчи ҳисобот даврида қуйидагича бухгалтерия проводкаларини беради:

Дебет: Шартнома бўйича актив 200 000 сўм

Кредит : Сотилган товар бўйича тушум 200 000 сўм,

Товар сотилганда таннархи ҳам ҳисобдан чиқарилади

Дебет: Сотилган маҳсулот таннархи 180 000 сўм

Кредит: Чиқиб кетган товар 180 000 сўм.

250 000 сўмлик товар етказиб берилди, яъни қолган 50 000 сўми етказиб берилди:

Дебет: Дебиторлик қарзи 250 000 сўм

Кредит: Шартнома бўйича актив 200 000 сўм

Кредит: Сотилган товар бўйича тушум 50 000 сўм.

МҲХС IFRS 15 “Харидорлар билан шартномалар асосида тушум” стандартида даромадга қуйидагича таъриф берилган: “Даромад – бу таъсисчиларнинг хусусий капиталга киритилган улуши билан боғлиқ бўлмаган, активларни кўпайиши ёки мажбуриятларни камайиши натижасида хусусий капитални кўпайишига олиб келадиган молиявий ҳисоботнинг элементи ҳисобланади”.⁴

Назорат – бу имконият (қўпинча юридик ҳуқуқ билан ҳимояланган):

- Активдан фойдаланиш ҳуқуқини аниқлаш имконияти;
- Шу активдан фойдаланиш эвазига келажакда ундан иқтисодий наф олиш имконияти;
- Олинган иқтисодий наф(фойда)га учинчи шахсларнинг аралашувини чеклаш имкониятларидир.

Тушумни тан олиш даври.

Сотувчи ташкилот харидор олдидаги мажбуриятларини бажарилиши мобайнида, яъни товар ва хизматлар бўйича назоратни бераётган вақтда тушумни тан олади. Мажбуриятларни бажарилиши хусусиятидан келиб чиқиб тушум:

- Аниқ вақтда, айна операция содир бўлган вақтда ва
- Маълум давр мобайнида тан олинади.

⁴ М.Ю.Кузмин “Как подготовиться к экзамену ДипИФР”, www.msfo-training.ru

Давр мобайнида тушумни тан олиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда битта шарти бажарилганда ҳам тан олинади:

- Сотувчи томонидан мажбуриятлар бажарилиши мобайнида, харидор бир вақтнинг ўзида ҳам фойда олади ва ҳам фойдадан фойдаланади (ҳар ойлик техник хизмат мисол бўлади);
- Сотувчи томонидан мажбуриятларни бажариш орқали активни вужудга келиши жараёнида, харидор назоратида бўлади;
- Сотувчи ташкилот томонидан мажбуриятларини бажариш даврида барпо бўлаётган актив бўйича мабодо шартнома тўхтатилса ва сотувчи бу активдан фойдалана олмаса ва сотиб юбориш альтернативаси, яъни йули бўлмаса (актив харидорнинг махсус буюртмаси орқали барпо бўлган), харидор шартнома тўхтатилиш давригача, шартнома асосида бажарилган иш юзасидан тўлов олиш ҳукуки билан таъминлангандир.

Бошқа қолган вазиятларда тушум, маълум вақтда, операция содир бўлган вақтда тан олинади.

Корхона тушумни, шартнома бўйича мажбуриятларни давр мобайнида бажариш чоғида, фақатгина мажбуриятларни бажариш даражасини баҳолай олгандагина тан олишга ҳақлидир.

Мажбуриятни бажарилиш даражасини баҳолаш 2 хил усулда амалга оширилади:

1. Натижалар усули;
2. Ресурслар усули.

Юқоридаги усуллар фақатгина харидор назоратига ўтган товар ва хизматлар учун қўлланилади. Агар сотувчи корхона товар ва хизматлар бўйича назоратни харидорга бермаган бўлса, у товар ва хизматлар мажбуриятларни бажариш даражасини аниқлаш усулида қатнаша олмайди.

Баҳолаш усуллари харидор олдидаги мажбуриятларни бажариш даражасини ҳаққоний акс эттириши керак.

Натижалар усули – шартномада келишилган товар ёки хизматларни харидорга топшириш санасигача қолган қисмига нисбатан баҳоланиб, тушум тан олинади.

Ресурслар усули – бу усул орқали тушум (даромад) ни тан олишда корхона шу активни яратиш учун қанча харажат қилган, ресурс ишлатган, масалан хом-ашё, вақт, ишчилар хизмат ҳаққиси каби харажатлардан келиб чиққан ҳолда тан олинади.

Тушумни баҳолаш.

Шартнома баҳоси – бу харидордан етказиб берилган товар ва хизматлар учун ваъда қилинган тўлов қопламаси тарзида олинadиган сумма.

Шартнома баҳоси белгиланаётган вақтда сотувчи ташкилот шартнома шартларидаги қуйидаги факторларни ҳисобга олиши керак:

1. Товар ва хизмат учун олинadиган тўлов пул кўринишидами ёки пул бўлмаган кўринишдами;
2. Шартномада молиялаштириш компонентини мавжуддигига;
3. Мажбуриятларни бажарилишида вақт бўйича омиларнинг мавжуддигига;

4. Тўловни қатъий белгиланган ва ўзгарувчан қисмлари мавжудлигига;
5. Тўловни харидорга қайтариш омиллари мавжудлиги.

Пул кўринишида тўланмайдиган тўлов ҳаққоний баҳо бўйича баҳоланади.

Агар товар ва хизматларнинг етказилиши ва харидорни тўловни қилиниш муддати бир йилдан ортиқ бўлса, пулнинг вақт омили ҳисобга олиниши керак ва шартномада молиялаштириш компоненти мавжуд деб қаралади. (Ҳаққатгина харидор олидиндан тўлов қилиб, ўзи товар ва хизматларни етказиб бериш муддатини белгиланган вазиятлардан ташқари) .

Харидор кечиктириб тўлов қиладиган вазиятда, товар ва хизматлар сотилган вақтдаги тушум суммаси, харидордан олинган тўлов, бозор баҳосини кредит рискларини ҳисобга олган ҳолда дисконтланган суммасига тенг бўлади. Кечиктириб тўлов олиниши, сотувчини харидорга киритган маълум миқдордаги инвестицияси, яъни молиялаштириш компоненти мавжуд деган маъно чиқади. Сотувчи бозор баҳосида дисконтланган тўлов суммасидан фоиз кўринишидаги даромадга эга бўлади. Бунинг натижасида юзага келадиган дебитор қарздорлик МХҲС IFRS 9 “Молиявий инструментлар” стандарти орқали тартибга солинади.

Сотувчи харидордан олдиндан тўлов олган вазиятда, товар ва хизматлар харидорга етказилганда, тушум суммаси олинган тўловни бозор нархида, кредит рискларини ҳисобга олган ҳолда дисконтланган суммасига тенг. Бу вазиятда харидор сотувчини маълум маънода молиялаштиряпти деб тушунилади ва сотувчи худди қарз олгандай бўлиб, фоиз кўринишидаги харажатни тан олиб боради.

Сотилган маҳсулотни харидор томонидан қайтарилиши билан боғлиқ кафолатлар.

Агар шартнома шартларига мувофиқ сотилган маҳсулот маълум вақтда қайтарилиши тўғрисида кафолатлар келтирилган бўлса, сотувчи ташкилот сотилган маҳсулотнинг қанча қисми қайтарилиши эҳтимолини баҳолаши керак. Сотилган маҳсулот бўйича олинган тўловни қанчадир қисми харидорга қайтарилиши кутилаётган бўлса, тушум шу фарқ суммасини олиб ташлаб тан олиниши керак, харидорга қайтариладиган мажбурият сифатида акс эттирилиши лозим. Шу навбатда қайтарилиши кутилаётган маҳсулот баланс қиймати бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда актив сифатида ҳисобга олиниши керак.

Қайтарилишни кафолат муддати тугаганидан сўнг, сотувчи аввал тан олган мажбуриятини ёпиб тушум тан олади.

Ҳисобот даври охирига сотувчи ташкилот қайтарилиши кутилаётган маҳсулот бўйича қайта баҳолаш ўтказиши керак: мажбурият ва тушумни, қайтарилиши кутилаётган актив ва сотилган маҳсулот таннархини коррективировка, яъни тузатишлар қилиши керак.

Миллий стандарт бўйича даромадларни тан олиниши Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби (БҲМС) 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” миллий стандарти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган орқали тартибга солинади. Ушбу стандарт “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи ҳисобланади. Ушбу

стандарт молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос доирасида ишлаб чиқилган. Ушбу стандартга асосан хўжалик фаолиятидан даромад асосий, операцион ва молиявий фаолиятдан даромадлардан ташкил топади.

Мазкур стандарт хўжалик фаолиятининг қуйидаги соҳаларидан олинган даромадларни ҳисобга олишда қўлланилади:

1.Товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

2.Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар олишга имкон берадиган активларни фойдаланиш учун бошқа хўжалик юритувчи субъектга бериш.

3.Товарларга хўжалик юритувчи субъектлар сотиш мақсадида ишлаб чиқарган ва қайта сотиш учун харид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган бошқа активлар киради.

4.Хизмат кўрсатиш одатда субъектнинг шартномада белгилаб қўйилган шартларни келишилган давр давомида бажаришни ўз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча давр давомида бажарилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш бўйича айрим битимлар пудрат қурилиши билан бевосита боғлиқ бўлади, масалан, архитекторлар ва лойиҳа бошқарувчилари хизматига доир битимлар «Пудрат қурилиши» стандарти талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

5. Хўжалик юритувчи субъектнинг активларидан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланиш қуйидаги кўринишдаги даромадларга олиб келади:

6.Пул маблағлари ёки пул эквивалентлари ёхуд хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлган суммалардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўладиган фоизлар;

7.Хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли активларидан масалан, патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари ва компьютер дастурларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўладиган роялтилар;

8.Иштирокчилар (таъсисчилар) ўртасида уларнинг хусусий капиталдаги улушига мутаносиб равишда фойдани тақсимлашдан бошқа даромадлар.

9.Стандарт қуйидагилар натижасида юзага келадиган даромадларга қўлланилмайди:

9.1. Лизинг битимларига;

9.2. Инвестициядан келадиган ҳисобланган дивидендлар ва даромадларга;

9.3. Суғурта компаниялари билан суғурта битимларига;

9.4. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар жорий қийматидаги ўзгаришлар ёки улар сотилган ҳолатларга;

9.5. Бошқа айланма маблағлар қийматидаги ўзгаришларга;

9.6. Қорамоллар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг табиий ўсишига;

9.7. Минерал рудаларини қазиб олишга.

2-сон БХМС да юқорида қайд этилган ҳар бир соҳани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда даромадларни тан олиш мезонлари батафсил ёритилган.

Хулоса

Даромадларни тан олиш мезонлари жуда муҳим ҳисобланади. Инвестор ва таъсисчиларга, ички ва ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботдаги маълумотларни ишончли ва ҳаққоний акс эттирилишида даромадларни адолатли мезонларда тан олиш, уларга тўғри қарор қабул қилишида муҳим аҳамият касб этади. Даромадларни тан олишда халқаро ва миллий стандартларда уйғунлашувлар мавжуд, чунки бу стандартлар халқаро концептуал асосга зид эмас. Лекин амалиётда қўлланилишида фарқли жиҳатлари мавжуд. Авваламбор даромадларни тан олишда бирламчи ҳужжатларнинг тузилишидаги камчиликларни бартараф этиш лозим, чунки айнан бирламчи ҳужжатлар корхонада даромадни тан олишда дастлабки босқичи ҳисобланади:

1. Шартномалар юридик жиҳатдан тўғри ва аниқ тузилиши, ҳар икки томонни манфаатини бирдай қўзланган ҳолда тузилиши муҳимдир;
2. Шартнома бўйича бажариладиган мажбуриятлар муддатлари ва тан олиниши молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилиши;
3. Бир йилдан ортиқ тўлов муддати бўлган шартномалар бўйича ҳаққоний қийматни тўғри акс эттирилиши;
4. Сотилган товарни қайтарилишини кафолат муддатлари, қайтарилиш шартлари, даромадни тан олишда ўзгартиришлар тартиби аниқ белгиланиши;
5. Халқаро молиявий ҳисобот шакллари ва молиявий ҳисоботларнинг миллий ҳисобот шаклларида уйғунлашувига эришиш.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, корхоналарнинг келажақдаги истиқболи бутунги кундаги топаётган даромадини хусусиятларидан келиб чиқиб тўғри тан олиб, ҳисобида тўғри акс эттирилишига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” Ўзбекистон. Тошкент-2021 йил.
2. 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. 2-сон БҲМС “Асосий ҳўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”, www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2017 йил. www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Янги таҳрири. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон. www.lex.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2012 йил 16 июль, ПФ-4453-сон. www.lex.uz
7. М.Ю.Кузмин “Как подготовиться к экзамену ДипИФР”, www.msfo-training.ru

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан 2000 йил 15 июнь 47-сон билан тасдиқланган «Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисида»ги Низомда <https://lex.uz/>

9. Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. DSc диссертацияси автореферати, -Т.: - 2019 й. 72-б.

10. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т.: -2021.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

